

Ёш олимларни етакчи хорижий илмий ташкилотларда (марказлар, университетлар ва бошқалар) қисқа муддатли илмий стажировкаларга юбориш учун тақдим этилиши зарур бўлган ҳужжатлар рўйхати

- олий таълим муассасасининг расмий хати;
- мазкур Низом иловасига мувофиқ шаклдаги илмий стажировка режаси (2-илова);
- илмий-тадқиқот ёки олий таълим муассасасининг Илмий кенгаши қарори;
- ходими ёш олим ҳисобланадиган илмий-тадқиқот муассасаси (олий таълим муассасаси) томонидан тасдиқланган ва қабул қилувчи томон билан келишилган, илмий стажировка таклифномаси ва дастури;
- номзоднинг маълумотнома-объективкаси (анкета);
- олий таълим муассасасини тугатганлигини тасдиқловчи дипломнинг нусхаси;
- илмий даражасини (фан номзоди, PhD ва фан доктори), илмий унвонини (катта илмий ходим, доцент, профессор) тасдиқловчи диплом(лар)нинг нусхаси, агар мавжуд бўлса;
- меҳнат дафтарчасининг нусхаси;
- фуқаролик паспортининг нусхаси;
- номзоднинг 3x4 см ўлчамдаги оқ фондаги рангли фотосурати (4 дона);

Илмий стажировка ўташга илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларининг илмий ва техник-муҳандис ходимлари номзод сифатида тавсия этилади.

Етакчи хорижий илмий ташкилотларда (марказлар, университетлар ва бошқалар) илмий стажировка ўташга қуйидаги талабларга жавоб берадиган илмий ва техник-муҳандис ходимлар юборилади:

- хорижий тилларни ўзининг иш фаолиятини амалга оширишда зарур бўлган даражада биладиган;
- номзоднинг ёши 25 дан 45 гача бўлиши.
- чет тилидан билим даражасини белгиловчи амалдаги миллий ёки халқаро сертификат (Миллий квалификация сертификати, IELTS, TOEFL ва шу кабилар), агар мавжуд бўлса.

Ёш олимларни етакчи хорижий илмий ташкилотларда (марказлар, университетлар ва бошқалар), шу жумладан илмий лабораторияларни жиҳозлаш учун сотиб олинadиган юқори технологик асбоб-ускуналарда ишлаш методикасини ўзлаштириш учун қисқа муддатли илмий стажировкаларга юбориш
РЕЖАСИ

№	Ф.И.О.	Иш жойи ва лавозими (илмий-тадқиқот ёки олий таълим муассасаси)	Илмий стажировканинг мақсад ва вазифалари	Илмий стажировка ўтказиладиган давлат, қабул қилувчи ташкилотлар	Илмий стажировканинг давомийлиги	Илмий стажировка учун талаб этиладиган маблағ (транспорт, яшаш, овқатланиш ва бошқа харажатлар ҳар бири алоҳида кўрсатилиши зарур)	Кутилаётган натижалар
Ёш олимларни қисқа муддатли илмий стажировкалари (6 ойгача)							
10.							
11.							
12.							
Илмий лабораторияларни жиҳозлаш учун сотиб олинadиган замонавий илмий ва технологик асбоб-ускуналарда ишлашни ўрганиш бўйича илмий стажировкалар (3 ойгача)							
13.							
14.							
15.							
16.							

ОТМ ректори

_____ Ф.И.Ш.